



# БУГУННИНГ НАФАСИ

## Раёсат йиғилиши

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

## Фаолият таҳлили ва долзарб вазифалар

Қайд этилганидек, ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш, самарадорлиқни ошириш, меҳнат шaroитини янада яхшилаш борасида тизимли ишлар олиб борилди. Таркибни мустаҳкамлаш, аъзолик афзаллигини асослаш борасидаги мулоқотлар ўз натижасини бермоқда. Соҳада фаолият бошланган бир қатор корхона ва муассасалар билан ижтимоий шериклик асосида муайян муваффақиятларга эришилди. Хисобот даврида жойлардаги 130 дан зиёд кичик бизнесга асосланган корхоналар раҳбарлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Натижада, 25 та бошланғич касаба уюшма, 112 та цех кўмитаси тuzилиб, у ерда меҳнат қилаётган 1752 нафар ишчи касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинди.

Ижтимоий шерикликнинг янги босқичга кўтарилишида касабани уюшмалари фаолиги сезиларли тарзда ошганлиги кузатилди. Куйи касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида жонланиш, изланиш, ташаббускорлик яққол сезила бошланди. Жамоа шартномаларида кўзда тутилган афзаллик ва имтиёзлар амалиётга тўла татбиқ этилмоқда. Жумладан, тизимдаги 18 та корхона томонидан меҳнаткашларнинг олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 313 нафар талаба фарзандлари учун контракт тўловининг бир қисми қоплаб берилди. Соҳа йўналишида касб-хунар коллежларини тамомлаган 4443 нафар битирувчининг ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Ўтган даврда меҳнат муҳофазаси бўйича 1007 та тadbир бажарилиб, бу мақсад учун иш берувчилар томонидан қарийб ўн уч миллиард сўм сарфланди. Айни чоғда меҳнат муҳофазаси устидан уч босқичли маъмурий — жамоат назорати йўлга қўйилган корхоналар сони 103 тага етди. Ишлаб чиқариш жабҳаларидаги иш ўринларининг меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказилиши мониторинги йўлга қўйилган. Барча ташкилотларда хавфсизлик қоидаси бўйича ўқитиш ишлари ташкил этилган.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамоа шартномалари орқали тизим таркибидаги корхоналарда меҳнат қилаётган ёш оилаларга узоқ муддат фойдаланадиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жойлар қуриши учун фoизсиз ссудалар ажратиш, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш, икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбиясидаги аёлларга моддий кўмак кўрсатиш каби имтиёзлар жорий этилди.

Меҳнаткашларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, юксалишлар мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида қатор маънавий-маърифий тadbирлар уюштирилди. Бундан ташқари, маҳоратни оширишга қаратилган барча танловларда соҳа корхоналари фаол қатнашди.

Раёсат йиғилишида амалга оширилган ишлар баробарида фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил этилди.

Кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Шу кун Самарқанд автомобил заводида тармоқ ходимлари ўртасида бўлиб ўтган «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Тadbир аввалида иштирокчилар «Самавто» бошланғич касабани уюшма ташкилоти иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Меҳнат муҳофазаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш цехларида жорий этилган хавфсизлик қонун-қоидаларига амал қилиш аҳволи, ишлаб чиқариш жараёни кўздан кечирилди.

Танлов ғолиблари «Анджонқабел» кўшма корхонаси муҳандиси Анваржон Мадияров, Фарғонадан «UZ SVHGWOO» кўшма корхонаси пайвандловчиси Туробжон Бобожонова, Навоийдан «UZ PAE SABIE» корхонаси мутахассиси Орифжон Шамсиевнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган янгиликлари тақдими ташкил қилинди. Улар тармоқ Республика кенгаши совгалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

## Сайлов ва ёшлар

Жамиятни янада демократлаштириш фуқаролар сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши билан ҳам узвий боғлиқ. Шу боис жараёнинг барча босқичидан сайловчилар хабардор бўлиши, уларнинг ҳуқуқий маданияти, жумладан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим ҳисобланади. Фарғонада ўтказилган «Мен ўз келажагим учун овоз бераман» шiori остидаги «Сайлов ва ёшлар» форуми ушбу мақсадларни қамраб олди.

Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, барча сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти вакиллари ҳамкорлигида ташкил этилган форумда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг иқтидорли ўғил-қизлари иштирок этди. Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни, унда ёшларнинг тугган ўрни ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчилар Фарғона Политехника институтининг 729-сайлов участкасида овоз бериш жараёнининг ташкил этилишига бағишланган кўргазмали машғулотни кузатди. Сайловчининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида мутахассислар фикрини тингладилар.

— Ушбу форумда бўлажак сайлов тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлдик, — дейди Андижон давлат университети талабаси Мохинур



## Келажак учун

Мўминова. — Ҳар биримизнинг овозимиз юртимиз келажиги учун катта аҳамиятга эгаллигини чуқур англаб етдик. Сайлов кунини ўзимиз муносиб деб билган номзод учун овоз берамиз.

Шунингдек, уста-хунарманд Саиджон Аҳмедов ҳонадонидан Риштон кулчилик намуналарини кўргазмаси форум иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Риштон туман ҳокимлиги мажлислар залида «Мен ўз келажигим учун овоз бераман» шiori остидаги видеомулоқотда тadbир ташкилот-

чилари, сиёсий партиялар раҳбарлари, экспертлар, миллий-маданий марказлар вакиллари қатнашди. Унда Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Қамариддин Имомов, Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси, профессор Темур Широшов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шoirи Энахон Сиддиқова сўзга чиқди.

— Сайловда илк бор қатнашаман, — дейди Фарғона политехника институти талабаси Зулайхо Эрматова. —

Ушбу муҳим сиёсий тadbир арафасида сайлов қонунчилигини чуқур ўрганаётган, тенгдошларим билан жуда кўп масалаларда баҳс юртияпмиз, фикр алмашаяпмиз.

Мулоқотларда ўртага ташланган саволларга экспертлар жавоб қайтаришди.

Форум якунида водий ёшларининг сайлов муносабати билан ўз тенгдошларига муножаати ўқиб эшиттирилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

## Халқаро ҳамкорлик

# Юридик клиникада учрашув

ЎзКУФК қошидаги Юридик клиникада Жаҳон Банкнинг ижтимоий ривожланиш бўйича катта мутахассиси Санжай Агарвал билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Федерация Кенгаши юридик бўлими ходимлари, клиниканинг тренер ва волонтерлари иштирок этди. Меҳмонга Юридик клиникада ҳуқуқий йўналишдаги ўқув юртларининг 30 га яқин талабалари кўнгилли асосда амалиёт ўтаётгани, уларга Тошкент Давлат юридик ҳамда Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетларининг юқори малакали ўқитувчилари тренерлик қилаётгани тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Эркин мулоқот тарзида ўтган учрашувда клиника волонтерлари томонидан клиника сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари намойиш қилинди. Юридик клиника қошида ташкил қилинган волонтерлар учун инглиз тили тўғрисидаги иштирокчилари С.Агарвални клиниканинг «Ишонч телефони» — 1092 рақами имкониятлари билан таништирди. Телефон орқали муносабатларини электрон рўйхатга олиш тартиби, муножаатлар статистикаси, йўлга қўйилган навбатчилик тизими, унинг жойлардаги вакилликлари фаолияти меҳмонда катта таассурот қолдирди. Жаҳон Банк вакили тизимнинг афзалликларини эътироф этар экан, уни яратиш, ишга туширишда иштирок этган, фаолиятини таъминлашда қатнашаётганларга миннатдорлик билдирди. Бу таж-

рибани бошқа мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда қўшни бўлган давлатларда ҳам қўллаш катта самара беришини қайд қилиб, клиника мутахассисларига амалга оширилаётган ишларни фаол оммалаштириши тавсия этди. Жаҳон Банк бу каби ташаббусларни ҳаммиса қўллаб-қувватлашга тайёрглигини, тизимни янада такомиллаштириш учун қўшимча тақлифлар инobatга олиниши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Тadbирда, шунингдек, Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тadbирлар, хусусан, «Меҳнат кодекси билмидони» онлайн викторинаси, талаба-

лар ўртасида уюштирилаётган дебатлар, «Энг моҳир ишчи касб эгаси» танлови, барча ҳудудларда ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва семинар-тренинглари тўғрисидаги маълумотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

ЎзКУФК юридик бўлими мутахассислари меҳмоннинг касабани уюшмалари тизимида муножаатларни кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш, меҳнат масалаларида жамоатчилик назоратини олиб бoриш тўғрисидаги саволларига жавоб қайтаришди. Шунингдек, касабани уюшмаларининг иш берувчилар билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосидаги фаолиятининг устуулликлари, мамлакат ҳукумати, Савдо-саноат палатаси ҳамда касабани уюшмалари ўртасида тузилган Бош келишув тўғрисида маълумот берилди.

Меҳмон Юридик клиниканинг техник имкониятлари, тарғибот ишлари, клиника тренер ва волонтерлари фаолияти, шунингдек, муножаатларни кўриб чиқиш масаласида ЎзКУФК томонидан олиб бoрилаётган ишларга юқори баҳо берди.

Улугбек ИБДОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

## Семинар

«General Motors Powertrain Uzbekistan» масъулияти чекланган жамиятида «Меҳнат шaroитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015 — 2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури» доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзусида семинар ўтказилди. Унда пойтахтдаги 60 дан ортиқ корхона иш берувчилари, техник хавфсизлик муҳандислари, касабани уюшма ташкилотлари раислари иштирок этди.

## Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги

Семинарда Тошкент шаҳар меҳнатни муҳофазаси бўлими ва меҳнат шaroитлари экспертизаси давлат инспекцияси, «Саноатгеоэко-техназорат» давлат инспекцияси кимё, металлургия ва нефтьгаз ишлаш саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси, соғлиқни сақлаш бош қармаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, «Ўздавнор» инспекциясининг шаҳар бўлими масъул ходимлари томонидан соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар ҳақида атрофлик маълумот берилди.

Шунингдек, йиғилганларга касабани уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакил фаолияти ҳақида видеоролик намойиш этилди.

Шундан сўнг иштирокчилар «General Motors Powertrain Uzbekistan» МҶЖ фаолияти, ишчи-ҳодимларга яратилган хавфсиз меҳнат шaroити билан яқиндан танишишди.

Ўз мухбиримиз

## Бошланғич ташкилотларда

# Муносиб иш жойлари барча учун



3500 дан ортиқ ишчи-ҳодим фаолият юритувчи «Қизилқумцемент» АЖда меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими учун алоҳида хона ва ўқув хонаси ташкил этилган бўлиб, у ходимларни ўқитиш ва билимини синовдан ўтказиш мақсадида замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Компютер, видеопроектор, эслатма плакатлар, ўқув қўлланмалари, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, бўлим ва бўлимларда меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси бурчлари ташкил этилган.

Маъмурият, муҳандис-техник ходимлар, бўлим ва бўлимга бошлиқлари иштирокчида ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи ҳафтасининг пайшанба кунини «Меҳнатни муҳофазаси қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш» кунини деб белгилаб, тadbирлар мунтазам ўтказиб бoрилади. Хавфсиз меҳнат шарoити яратиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида цехларда 52 нафар жамоатчилик асосида меҳнат муҳофазаси вакиллари ва касабани уюшма кўмитасида 5 нафар меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари фаолият кўрсатапти. Ҳар йили ишчилар бeпул тиббий кўрикдан ўтказилади.

Корхонада жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофазаси бўйича киритилган бандлари ва Битим ижроси касабани уюшмаси томонидан ҳар чоракда таҳлил қилинади. Ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари

билан таъминланган. Ушбу мақсадлар учун жорий йилнинг 9 ойи давомида 3 млрд. дан ортиқ маблағ сарфланди.

Иш ўринларининг меҳнат шaroитлари бўйича аттестацияси белгиланган муддатда ўтказилиб келинмоқда. Ўтган йилда 550 та иш ўрни меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилди. Ишчилар имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёз ва компенсациялардан фойдаланапти.

Дарвоқе, яқинда қабул қилинган янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун ишчиларнинг муносиб меҳнатга бўлган ҳуқуқларини янада тўлақонли таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Н.ЖУМАНИЁЗОВ, «Қизилқумцемент» АЖ касабани уюшма кўмитаси раиси

## Касаба уюшмалари — аёлларга

Жамоа шартномаларида аёллар меҳнатини тартибга солиш, уларга қўшимча имкониятлар яратиш борасида қатор афзалликлар белгилаб қўйилган. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган аёллар меҳнатининг қадри баланд. Барча хотин-қизларга олийк маошлари сақланган ҳолда иш вақти бир соатга қисқартирилди.

# Доимо ардоғимизда

Бундан ташқари, тизим корхоналарида фаолият юритаётган 84 нафар боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди. Болалар тарбияси билан машғул бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Иш берувчи ва касабани уюшма ташкилотлари томонидан ишловчи аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга бўлган эътибор тoбора кучайтирилмоқда. Жумладан, «Янгиқўрғонпахта» АЖ томонидан зарарли иш шaroитида меҳнат қилувчи икки нафар аёл Самарқанд шаҳридаги Гранд-Плаза соғломлашти-

риш марказида дам олдирилиб, даволанди. Икки нафар аёл эса «Умид гулшани» сиахатгоҳида соғломлаштирилди. Жамоа шартномасига мувофиқ, 57 нафар аёлнинг ҳақ тўланадиган ҳомилидорлик ва туғишдан кейинги таътил кунлари узайтирилди.

Тизим корхоналарида «Аёл борки, олам мунававар» маданий-маърифий тadbирлари ташкил этилди. 40 нафар хотин-қиз театр ва концерт томошаларига, қарийб юз нафардан зиёда икки туризм йўналишидаги саёҳатларга олиб чиқилди.

Касаба уюшмалари томонидан амалга ошириб

келинаётган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» акцияси доирасида «Саховат» уйида истикомат қилаётган 7 нафар кексаларга ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар оиласидан хабар олинди.

Аёллар корхона ва ташкилотларда ташкил этилаётган «Маънавий соатлари»нинг фаол иштирокчиларига айланаётгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. «Соғлом она ва бола — бахтли оила, фаровон жамият асоси», «Меҳнат жамоаларида соғлом маънавий муҳитни таъминлашнинг аҳамияти», «Қўшничилик муносабатларидаги ўзаро меҳр-оқибат, юртимиздаги тинчликнинг муҳим шarti» каби 33 тадан ортиқ давра суҳбатлари, учрашувлар барчада чуқур таассурот қолдирди. «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақаларида аёлларимиз ташаббуси алоҳида эътироф этилди.

Нигина ХАЙРИЕВА, Агрoсаноат мажмуи ходимлари касабани уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши мутахассиси

Қарор ва ижро

АМНИСТИЯ АКТИ: Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилиқ

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохларнинг энг муҳимларидан бири қонуний жазони ўтаётган фуқароларга нисбатан амнистия акти қўлланилиши бўлди.

Ўтган давр мобайнида содир этилган жиноятнинг нечоғлиқ оғирлиги, ижтимоий ҳавфи ва бошқа қатор омиллар ҳисобга олиниб, адашган, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган амнистия фуқаролар ҳуқуқимизга томонидан афв этилди. Уларга ҳаётини изга солиш, тўғри йўлга кириш, жамият учун фойдали фаолият билан билан шуғулланиш, оиласи бағрига қайтиш имконияти яратиб берилди. Айтиш керакки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқро меъёрлар, демократик принциплари қонунчилигимизга имплементация қилиш, жазоларни либераллаштириш жараёни илҳом берди. Қўлланилаётган амнистия акти кенг жамоатчилик иштирокида, қонун меъёрларига тўла риоя қилинган ҳолда ошкора амалга оширилди.

Олий Мажлис Сенати томонидан жорий йил 12 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарор мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жазони либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз томонидан жазони либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохлар халқимизнинг бағрикенглик, кечи-

римлилиқ каби юксак қадриятларига асосланган. Амнистия тўғрисидаги қарорда мамлакатимизда инсон ва унинг ҳуқуқларига олий қадрият сифатида қаралиши ўз ифодасини топанган. Эзгу мақсадга қаратилган бу қарор ижросини таъминлашда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этаётгани унинг адолатли, ошкора амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Вилоятимизда амнистия актини қўллашда жамоат назоратини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳудудимиздаги аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссиялари раисларидан иборат ишчи гуруҳ тuzилди. Ишчи гуруҳ амалга ошираётган ишлар режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда ишчи гуруҳ ушбу тадбирлар режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ишчи гуруҳ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда жазони ўташ жойларида, ижтимоий-тиббий муассасаларда амнистия акти қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва озодлиқка чиқадиган фуқароларни ижтимоий кўникмага қамраб олиш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш бўйича ташкилий, маърифий ишларни амалга ошираётган.

Амнистия актини қўллашдан қўзланган мақсад ва унинг инсонпарварлик моҳиятини кенг


жамоатчиликка тушунтиришда тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. Шу мақсадда вилоят телевиденсисда ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллалар, хотин-қизлар, ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Амнистия тўғрисида озодлиқка чиққан фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган тадбирларнинг изчил амалга оширилиши уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда вилоят ижтимоий кўникма маркази, унинг шахар ва туман бўлимлари томонидан жазони ўташ муассасаларидан озодлиқка чиқётганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш чоралари белгиланди. Бунда воёга етмаганлар, аёллар, нафақа ёшидагилар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Белгиланган тадбирларнинг изчил ижро этилиши давлатимиз томонидан амалга оширилаётган инсонпарварлик актининг ошқоралигини, унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини таъминлаётган.

**Гулнора Тўраева,**  
**Жиззақ вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича вилоят ишчи гуруҳи раҳбари**

4 декабр — Сайлов куни



Тайёргарлик қизғин

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 34-сайлов участкасида 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин кетмоқда. Сайлов участкасида овоз берувчилар учун барча шароит яратилган. Она-бола, тиббиёт ҳамда кузатувчилар учун алоҳида хоналар ажратилган. Айни пайтда «Хурсон» маҳаллаларида истиқомат қилувчи 2479 нафар сайловчи рўйхатга олинмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Очиқ танлов савдоларига таклиф этамиз!

«Кўчмас мулк савдо хизмати» МЖЧнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали Сизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли Қарорига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 3 ноябрдаги №03-06/5-11691 сонли хатига асосан қуйидаги танлов савдосига чиқарилаётган ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

КЕГАЙЛИ ТУМАНИ БЎЙИЧА:

1. Савдо шохобча куриш учун Кегайли тумани, Кегайли шаҳарчаси, К.Айжиғитов кўчаси ҳудудидаги умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 354 762 сўм бўлган №1 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 138 000 000 сўм.

2. Дорихона биносини куриш учун Кегайли тумани, Қозонкентен шаҳарчаси ҳудудидаги умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 88 690 сўм 50 тиын бўлган №7 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

3. Алкоголь маҳсулотлари савдо шохобча куриш учун Кегайли тумани, Қозонкентен шаҳарчаси ҳудудидаги умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 88 690 сўм 50 тиын бўлган №8 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

ЧИМБОЙ ТУМАНИ БЎЙИЧА:

1. Автомобиллар тўхташ бекети ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Гужимли МФЙ ҳудуди И.Сметов кўчасидан умумий майдони 48 кв.м., минимал қиймати 40 248 сўм 96 тиын бўлган №1 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 90 000 000 сўм.

2. Икки қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Оржап МФЙ ҳудуди С.Нурымбетов кўчасидан умумий майдони 72 кв.м., минимал қиймати 60 373 сўм 44 тиын бўлган №2 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

3. Икки қаватли дорихона биносини куриш учун Чимбой тумани, Оржап МФЙ ҳудуди С.Нурымбетов кўчасидан умумий майдони 72 кв.м., минимал қиймати 60 373 сўм 44 тиын бўлган №3 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

4. Икки қаватли чойхона биносини куриш учун Чимбой тумани, Оржап МФЙ ҳудуди С.Нурымбетов кўчасидан умумий майдони 72 кв.м., минимал қиймати 60 373 сўм 44 тиын бўлган №4 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

5. Икки қаватли озик-овқат дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Оржап МФЙ ҳудуди С.Нурымбетов кўчасидан умумий майдони 72 кв.м., минимал қиймати 60 373 сўм 44 тиын бўлган №5 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

6. Кичик футбол майдончасини куриш учун Чимбой тумани, Оржап МФЙ ҳудуди С.Нурымбетов кўчасидан умумий майдони 924 кв.м., минимал қиймати 774 792 сўм 48 тиын бўлган №6 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

7. Икки қаватли супермаркет биносини куриш учун Чимбой тумани, Қоний МФЙ ҳудудидаги айланма йўли бўйидан умумий майдони 672 кв.м., минимал қиймати 563 485 сўм 44 тиын бўлган №7 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 180 000 000 сўм.

8. Икки қаватли турар-жой ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағ-жап МФЙ ҳудудидаги айланма йўли бўйидан умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 413 574 сўм бўлган №8 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та,

киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 300 000 000 сўм.

9. Икки қаватли турар-жой ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағ-жап МФЙ ҳудудидаги айланма йўли бўйидан умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 413 574 сўм бўлган №9 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

10. Икки қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қизил-озек МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 196 кв.м., минимал қиймати 135 100 сўм 84 тиын бўлган №10 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

11. Бир қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қизил-озек МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 72 кв.м., минимал қиймати 49 628 сўм 88 тиын бўлган №11 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

12. Икки қаватли турар-жой ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қамъс-арик МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 225 кв.м., минимал қиймати 775 451 сўм 25 тиын бўлган №12 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 90 000 000 сўм.

13. Икки қаватли дорихона ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қамъс-арик МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 225 кв.м., минимал қиймати 775 451 сўм 25 тиын бўлган №13 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

14. Бир қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қамъс-арик МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 180 кв.м., минимал қиймати 124 072 сўм 20 тиын бўлган №14 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

15. Бир қаватли устакхона биносини куриш учун Чимбой тумани, Май-жап МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 400 кв.м., минимал қиймати 275 716 сўм бўлган №15 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 90 000 000 сўм.

16. Бир қаватли пойабзал таъмирлаш биносини куриш учун Чимбой тумани, Май-жап МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 400 кв.м., минимал қиймати 275 716 сўм бўлган №16 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 110 000 000 сўм.

17. Икки қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 320 кв.м., минимал қиймати 268 326 сўм 40 тиын бўлган №17 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 110 000 000 сўм.

18. Кичик футбол майдончасини куриш учун Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 3000 кв.м., минимал қиймати 2 068 560 сўм бўлган №18 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

19. Икки қаватли дорихона биносини куриш учун Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 350 кв.м., минимал қиймати 293 482 сўм бўлган №19 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 350 000 000 сўм.

20. Икки қаватли клиника биносини куриш учун

Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 503 112 сўм бўлган №20 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

21. Икки қаватли офис биносини куриш учун Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 350 кв.м., минимал қиймати 293 482 сўм бўлган №21 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

22. Икки қаватли чойхона биносини куриш учун Чимбой тумани, Қорақул МФЙ ҳудуди Темир йўл гузори кўчаси бўйидан умумий майдони 625 кв.м., минимал қиймати 524 075 сўм бўлган №22 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 210 000 000 сўм.

23. Икки қаватли стоматология биносини куриш учун Чимбой тумани, Шахтемир МФЙ ҳудуди Ш.Рашидов кўчаси бўйидан умумий майдони 54 кв.м., минимал қиймати 53 337 сўм 96 тиын бўлган №23 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 100 000 000 сўм.

24. Бир қаватли кондитер шефи биносини куриш учун Чимбой тумани, Жипек жолы МФЙ ҳудуди Е.Алақоз кўчаси бўйидан умумий майдони 375 кв.м., минимал қиймати 370 402 сўм 50 тиын бўлган №24 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 150 000 000 сўм.

25. Икки қаватли чойхона ва дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағзара МФЙ ҳудуди Улкен кангли массивидан умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 413 374 сўм бўлган №27 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

26. Икки қаватли супермаркет ва дорихона биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағзара МФЙ ҳудуди Улкен кангли массивидан умумий майдони 600 кв.м., минимал қиймати 413 374 сўм бўлган №28 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 250 000 000 сўм.

27. Кичик футбол майдончасини куриш учун Чимбой тумани, Тағзара МФЙ ҳудуди Улкен кангли массивидан умумий майдони 968 кв.м., минимал қиймати 667 232 сўм 72 бўлган №29 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 180 000 000 сўм.

28. Бир қаватли дўкон биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағзара МФЙ ҳудуди Улкен кангли массивидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 103 393 сўм 50 тиын бўлган №30 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 150 000 000 сўм.

29. Бир қаватли офис биносини куриш учун Чимбой тумани, Тағзара МФЙ ҳудуди Улкен кангли массивидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 103 393 сўм 50 тиын бўлган №31 ер участкаси; Курилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 150 000 000 сўм.

**ҚОРАЎЗАҚ ТУМАНИ БЎЙИЧА:**  
1. Автомобилларга техник хизматини кўрсатиш шохобча куриш учун Қораўзақ тумани, 4-сонли МФЙ Е.Алақоз кўчаси ҳудудидаги умумий майдони 450 кв.м., минимал қиймати 294 768 сўм бўлган №1 ер майдони; Курилиш муддати 2017 йил 1 декабр, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган ин-

вестициянинг энг кам миқдори 800 000 сўм.

2. Автомобилларга техник хизматини кўрсатиш шохобча куриш учун Қораўзақ тумани, 4-сонли МФЙ Е.Алақоз кўчаси ҳудудидаги умумий майдони 450 кв.м., минимал қиймати 294 768 сўм бўлган №2 ер участкаси; Курилиш муддати 2017 йил 1 декабр, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 800 000 сўм.

ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ БЎЙИЧА:

1. Савдо шохобча куриш учун Тахтақўпир тумани, Мулк МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 79 830 сўм бўлган №1 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

2. Хаммом биносини куриш учун Тахтақўпир тумани, Қора-ой МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 216 кв.м., минимал қиймати 114 955 сўм бўлган №2 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 70 000 000 сўм.

3. Машиный хизмат кўрсатиш биносини куриш учун Тахтақўпир тумани, Бердақ кўчасидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 79 830 сўм бўлган №3 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

4. Машиный хизмат кўрсатиш биносини куриш учун Тахтақўпир тумани, Ш.Рашидов кўчасидан умумий майдони 186 кв.м., минимал қиймати 98 989 сўм бўлган №4 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

5. Савдо шохобча куриш учун Тахтақўпир тумани, Қора терен МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 79 830 сўм бўлган №5 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

6. Автомойка, вулканизация ва савдо дўкони куриш учун Тахтақўпир тумани, Дауир МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 572 кв.м., минимал қиймати 304 418 сўм бўлган №6 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 90 000 000 сўм.

7. Савдо шохобча куриш учун Тахтақўпир тумани, Гарезсизлик МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 79 830 сўм бўлган №7 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 80 000 000 сўм.

8. Автобекет ва савдо дўкони куриш учун Тахтақўпир тумани, Атакол МФЙ ҳудуди Хожамет овул массивидан умумий майдони 48 кв.м., минимал қиймати 25 545 сўм бўлган №8 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 1 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 40 000 000 сўм.

9. Савдо шохобча куриш учун Тахтақўпир тумани, Қора ой МФЙ ҳудуди марказидан умумий майдони 150 кв.м., минимал қиймати 79 830 сўм бўлган №9 ер участкаси; Курилиш муддати 1 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 60 000 000 сўм.

Танлов ҳужжатларида ҳамда шарҳрозлик топшириғида ҳар бир ер участкаси ва улар бўйича қўйилган мажбуриятлар белгиланган. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш истагидаги юридик ва жисмоний шахслардан бюортномалар ҳамда тегишли ҳужжатлар мазкур билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва танлов савдоси ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг доимий фойдаланиш белгиланган, танлов савдоси кунда соғилмаган тақдирда, навабдаги такрорий танлов савдолари: Кегайли, Чимбой, Қораўзақ ҳамда Тахтақўпир туманлари бўйича 2017 йил 6 февраль, кунлари ўтказилади. Таклифлар солинган конвертлар соат 16:00 да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг кичик мажлисла залда очилади ва у кун ичида танлов тақлифлари энг яхши деб эътироф этилган талабгор галиб деб топилади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюортномаларни қабул қилиш, такрорий танлов савдоси ўтказиладиган кундан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги юридик ва жисмоний шахслар:

- ҳар бир ер участкаси бўйича танлов ҳужжатларини энг

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

(1)

Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш тақвими йилдан-йилга ривожланиб келди. Бугунги кунда 12 турдаги юқумли касалликларга қарши қўлланиладиган вакциналар давлат бюджети ҳисобидан харид қилинмоқда. 2016 йилда бу мақсадларга 18,5 миллиард сўм ажратилди.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими ҳам ривожланаётган. Бугунги кунда кардиология, жарроҳлик, кўз микрохирургияси, урология, терапия ва тиббий реабилитация, эндокринология, пульмонология ва фтизиатрия, акушерлик ва гинекология, дерматология ва венерология, педиатрия соҳасида махсус илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилиб, аҳолига бу йўналишда юқсак савияда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Ушбу тиббиёт муассасаларида ҳар йили эллик мингга яқин юқори технологияли мураккаб операциялар бажарилади. 600 мингдан кўпроқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади.

Мамлакатимизда шаклланган замонавий тиббий-профилактика хизмати тиббиётимизнинг узвий бўғинидир. Бугунги кунда уч мингга яқин кишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиникалар, амбулатор-поликлиника муассасалари, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникалари бу йўналишда халқимизга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган улусиз ислохотлар туфайли мустақиллик йилларида оналар ўлими 3,2, болалар ўлими 3,4 баробар камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришгани инсон манфаатларини муҳофазалаш йўлида амалга оширилаётган

## Тиббиёт ходимлари байрами кенг нишонланди



эзгу ишларнинг муҳим маҳсулидир. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида тиббиёт тизимининг моддий-техник салоҳиятини янада юксалтириш билан боғлиқ ишлар тобора кенгаймоқда.

Жамиятимиздаги тиббий-ижтимоий ислохотлар жараёнида эл саломатлигини асраш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари — шифокор ва ҳамширалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт ходимларининг малака ва маҳоратини ошириш, соҳада эришилган илгор тажрибаларни оммалаштириш борасида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Тиббиёт муассасалари, хусусан, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослашган шифохоналар, санитария-эпидемиология назорати марказлари, шифокорлар ва ҳамширалар ўртасида ўтказилаётган турли танловлар шулар жумласидан.

Тадбирда ушбу танловларнинг голиблари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси танловнинг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича энг яхши тиббиёт муассасаси номинацияси совриндорлари сафидан ўрин олди.

— Тиббиёт муассасамизда касалликларга тез ва аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш бўйича барча шароит мавжуд, — дейди Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири Шаҳло Мамажонова. — Натижада педиатрияда қўлланиладиган энг замонавий услуб ва технологиялар даволаш амалиётига кенг татбиқ этилмоқда. Бўлимимизда ҳар йили минг нафардан кўпроқ болага ана шундай юқсак технологиялар воситасида тиббий ёрдам кўрсатилади. Танловда эришган ютуғимиз бизни янада кўпроқ интилиш ва изланишга ундайди.

Танлов голиблари ва совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг «Иймон» спектакли намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситнонова сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ,  
Темур МАМАДАМИНОВ (ЎЗА)  
олган суратлар.

### Оммавийлик сари

Бухоро вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири — «Бухорогазсаноатқурилиш» акциядорлик жамияти ташкил этилганига 50 йил тўлди. Шу муносабат билан бир эрда турли мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган мини-футбол мусобақаси эса таассуротларга бой бўлди.

## Таассуротга бой мусобақа

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мурабий, спорт фахрийси Болта Фафоров етакчилигидаги ҳаммаклар бошқарган беллашуларда жамиятга қарашли 8 та корхонанинг ишчи-мувахассисларидан тузилган жамоалар голиблик учун кураш олиб борди. Финалда Қурилиш конструкциялари таъминоти корхонаси жамоасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратган. Ер усти қурилиши унитар корхонаси футболчилари биринчи ўринни эгаллаб, бош сов-

ринни кўлга киритди. Учинчи ўрин эса Махсус қурилиш, кимё ҳимоя сервис корхонаси вакилларига насиб этди.

Голиб ва совриндорларга касба уюшма кўмитасининг дипломи, кубоги ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Мусобақани ташкил этишдан асосий мақсад меҳнат жамоаларида спортнинг оммавийлигини таъминлашга ҳисса қўшишга қаратилган, — деди бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси



Раҳим Аминов. — Ишчи ва ходимларимизнинг буш вақтларини кўнгилли ўтказиш, уларни спортга жалб этиш йўли билан саломатликларини мустахкамлашга кўмаклашаётганимиздан бахтиёрим. Чунки тани соғ, кайфияти хуш одамнинг уйда хурсандчилик, ишида унум бўлади.

Иззатулла ХОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

### Мувахассис минбари

## «Ёнғин хавфсизлиги кунлари» ўтказилмоқда

Мамлакатимизда жорий йилнинг 10 ноябрдан «Ёнғин хавфсизлиги кунлари» ўтказилмоқда. Шу муносабат билан кенг жамоатчилик ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондалари тарғиб қилинаётган. Ёнғиннинг келиб чиқиш сабаб ва омилларга нисбатан фуқароларда онгли муносабат уйғотилиб, моддий бойликларни ўт балосидан асраш бўйича йўриқномалар бериб бориляпти. Шунингдек, аҳоли яшаш жойларида хавфсизлик чораларини кўриш юзасидан масъулият оширилмоқда.

Совуқ кунларда иситиш воситаларига эҳтиёж ортади. Шу боис фуқароларга яшаш ва иш жойларида электр ҳамда газ ускуналаридан тўғри ва оқилона фойдаланиш тўғрисида кенг тушуنча бериб бориляпти. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан туман ҳудудларида аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати кўриқдан ўтказилмоқда. Жумладан, турар жойларда электр ва газ қурилмалари мейёр талаблари асосида жиҳозланганлиги, ёнғинга қарши оралик масофаларда ҳар хил турдаги қурилма ва тўсиқлар ўрнатилмаганлиги, ёнғин учирини сув манбаларига бориш йўллари тўсиб қўйилмаганлиги ҳамда ёнғин учирини автоқипажлари ўтиш йўлларида фуқаролар томонидан сунъий тўсиқлар ўрнатилмаганлигига асосий эътибор қаратиляпти. Масъул ходимларга бу борада асосли равишда ёзма кўрсатмалар тақдим этилиб, бажарилиши назоратга олинаётган.

Амалга оширилган ишлар натижасида содир бўлган ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига қадар 6,2 фоизга камайишига эришилди.

Бегай ЖўРАЕВ,  
Миробод туман ёнғиндан муҳофаза қилиш 3-ХҲО командирини,  
подполковник

### Хар бир миллатнинг бахт-саодати энг аввало, эл тинчлиги ва саломатлиги билан боғлиқ. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаюқ спортни юксалтиришга қаратилган эътибор туфайли аҳолининг соғлом турмуш тарзига бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

«Истиқлол» санъат саройи тилга олинган ҳамон кўз ўнги-мизда эл севган хондаларнинг концерт дастури намойен бўлади. Лекин яна бир нарсав-

## Спорт бизни бирлаштирмоқда

дан сизни хабардор қилиб қўяйлик. Бу масқанда бошланғич касба уюшма ташкилоти раиси, истеъдодли режиссёр Зокиржон Қаюмов ташаббуси билан ходимлар ўртасида қўллаб-қувватлаш спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Яқиндагина ўтказилган футбол турнири спорт байрамига айлиб кетди. Сарой йиғитларидан ташкил топган жамоалар қизгин баҳслашди.

Мурасасиз ўтган беллашулар рақиблари қўлга кўра «Қалқон», «Истиқлол», «Саҳна» жамоалари совриндорлар сафидан ўрин эгаллади. Мусобақа иштирокчилари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, санъат саройида фаолият юритаётган аёллар ўртасида ўтказилган шашка бўйича мусобақа ҳам қизгин баҳсларга бой бўлди. Иштирок-

чиларни уларнинг оила аъзолари, дугоналари қўллаб-қувватлаб туриши. Шундай қилиб, Нодира Тоирова, Саодат Исмоилова, Хонзода Илясова галабани тантана қилдилар.

— Мен «Истиқлол» санъат саройида оддий чиптачи-назоратчиман. Умиримнинг энг гўзал, ёшлик йиллари шу эрда ўтди. Аммо бугунгидек қалбим завққа, бахтга тўлмага. Боиси, бундай мусобақалар жамоа аҳилигини оширар экан. Аёлларимиз беллашув олдидан ҳатто шашка мурабийларидан сабоқ ҳам олишди. Голиб бўлишга астойдил ҳаракат қилишди. Бир сўз билан айтганда, кўнглимиз қувончга тўлди, — дейди Гулнора Турсунова.

Гулчеҳра ШЕРАЛИЕВА,  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Яққасарой туман кенгаши раиси



### РЕКЛАМА

## ДИККАТ!

«Ishonch» газетасининг 12.11.2016 йилдаги № 135 (3796) «сонид» «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСНУ Вухоро филиал томонидан чоп қилинган аукцион савдолари хабарномасининг Аукцион савдолари 2016 йил 19 декабр кунини соат 11:00 да, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказилади. Бюртномалар расмий иш кўнарали соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача туш-

лик вақти). Бюртномаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 18 декабр кунини соат 18:00. Дегад қисмига:

Аукцион савдолари 2016 йил 20 декабр-кунини соат 11:00 да, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида ўтказилади. Бюртномалар расмий иш кўнарали соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Бюртномаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 19 декабр кунини соат 18:00. Дегад қисми билан ўзгартириш киритилди.

Кўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Савдо ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» МСНУ Вухоро филиал. Манзили: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, (4-қават, 405-хона). Лицензия: RR-0170, Интернетдаги манзили: www.rcg.uz, e-mail: rg.group@inbox.uz, тел: (0-365) 221-59-24.

Хизматлар лицензияланган.

### MUASSIS:



Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рo'yxатга олинган.

### Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

### Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belosova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

### BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

### Manzillimiz:

100165, Toshkent shahiri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shonba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

### HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Suxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01



## Сиёҳи тугамас ручка

Pininfarina дизайнерлари (Италия) сиёҳсиз ёздагидан ручканинг янги наънави версиясини намойиш қилишди. Бу ҳақда ТАСС хабар бермоқда.



Ручка моделининг номи Aero бўлиб, унинг учи қозғога тегиб оксидланувчи металл қотишмадан тайёрланган. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига кўра, ёзув қуролининг корпуси абдийдир. Бу ручкани авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириш мумкин.

Ручка ташқи кўринишидаги горизонтал саккизлик абдий рамазидир. Янги ручка сотувга чиқарилган. Унинг нархи 120 еврони ташкил қилади.

Жорий йилнинг сентябрида соатлар ва ёзув қуроллари ишлаб чиқарувчи Монблан фирмаси қўлда ёзилган матни смартфонга кўчириш имконини берувчи махсус қурилма — виртуал қозғонни ишлаб чиққанди. Қозғонда ёзувни смартфонга кўчириш учун смартфонга махсус иловани ўрнатиш кифоя. Қурилма рақамли график планшет, махсус ёзиш қуроли, блокнот ва USB-кабел билан таъминланган.

## Ёнойна ўрнига камера

Жанубий Корея ҳукумати йўл хавфсизлиги қондаларини қайта кўриб чиқиш ва автомобилдаги орқани кўрсатувчи ёнойналар ўрнига камералардан фойдаланишга рухсат беришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда «Ёнҳап» агентлигига таъйиб, lenta.ru хабар тарқатди.



Жанубий Корея ер, инфратузилмалар ва транспорт вазирлиги ҳисоб-китобларига кўра, орқани кўрсатувчи ёнойналарни бекор қилиш ҳаво қаршилигини камайтириш хисобига ёнойналарни 10 фоизга тежаш имконини беради. Бундан ташқари, у автоалоқатлар сони кескин камайтиради. Чунки ҳайдовчи кўра олмайдиغان ҳудуд қўлмайди.

Вазирлик, шунингдек, ёнойналар бекор қилиниши маҳаллий саноат вакилларининг илгор технологияларни ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари дизайнини яхшилашга ҳам хизмат қилади деган фикрда.

## Пластмасса йўл

Нидерландияда 2017 йил охирига келиб пластмассадан тайёрланган биринчи йўл пайдо бўлади, дея хабар бермоқда Interfax.



Бундай автомобил йўли юкломани асфалт каби кўтара оладиган махсус модуллардан тайёрланади. Анъанавий йўл қопламасига нисбатан пластик модуллар анча камроқ вазнга эга ва уларни осон ташвиш мумкин. Тупроқ эса камроқ даражада чўкади.


Пластик модуллар тузилмасида кабел ва турли коммуникацияларни кўзда тутилган. Модуллар ўз хизмат мuddатини ўтагандан кейин, уларни қайта ишлаб, яна ишлатиш мумкин.

— Бизда Wavin ва Total компаниялари билан бирга, мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича етарли билим, тажриба ва захиралар мавжуд. Бундай йўл прототипи 2017 йил охиригача пайдо бўлишига умид қилмоқдамиз, — дейишмоқда антиқа йўл қопламаси иштирокчилари.

Қайта ишланган пластикдан йўл ётқизиш гоёси 2015 йилда пайдо бўлган. Ушунда Нидерландия компанияси АҚШдаги асфалт йўллари пластикдан ишланганига алмаштиришни таклиф қилганди.

## Кўзойнак суратга олади

Кўпчилик урфга айланадиган сурат ва видео олувчи кўзойнаклар ишлаб чиқариш билан машғул бўлса, Япониянинг Wipac компанияси биргина киприк қоқиш ёрдамида суратга олишга қодир камерасини таклиф этмоқда. Бу ҳақда hi-tech.mail.ru хабар тарқатди.



Қурилмани исталган кўзойнакка ўрнатиш мумкин. Унинг ичида жойлашган датчиклар эса кўзларнинг ҳаракатини «ўқий» олади. Агарда кўзлар одатдагига нисбатан узокроқ юлишиб турганини сезса, панеллар фаоллашади ва қурилмага ўрнатиш bluetooth орқали суратга олади. Суратлар эса дарҳол смартфонга юборилади. Камера аккумулятори қувватланганда 8 соат ишлай олади. Шу боисдан у ажойиб ва нооддий суратлар олиш учун жуда қулайдир.

— Камера смартфон дисплейи ва фотоаппарат орқали эмас, балки ўз кўзингиз билан қизиқарли ва ёрқин лаҳзаларни кўришингиз учун яратилган, — дейди компания раҳбари Шота Такасэ. — Ниманидир суратга олиш зарурияти сизни кундалик ишлардан чалғитиши керак эмас.

Такасэ портатив камера яратиш ҳақида талабалик пайти ўйлаб юрар эди, ҳозир эса лойиҳани тўлиқ ишлаб чиқди. Гоёна амалга ошириш учун 30 минг АҚШ доллари зарур. Лойиҳада ким иштирок этгани истаса, қурилmani 200 долларга сотиб олиши мумкин. Лекин уни фақат акция муваффақиятли яқунлангандан сўнггина харид қилади. Мазкур гаройиб қурилmani келгуси йилнинг баҳор ойларида сотувга чиқариш режалаштирилган.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон нефть-газ ва геология ходимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши геомаоси Кенгаш фахрийси Сапура Мўминовага фарзанди

АЗИЗБЕКНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изхор этмоқда.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyondorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifolandi». Gazeta o'qset usulida, A2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosima taboq. Buyurtma T — 1115. 13695 nusxada bosiladi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Tahririyat xabos raqami: 2021 0000 0004 3052 7001, ATB «Innoteka bank» filialining filiali, bank kod: 00959, STIP: 201133889, OKHOX: 87100. Boshiga topshirish vaqti — 21:00. Topshirildi — 21:30. 1 2 3 4 6.